

БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИ УЧУН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯ ТАЪМИНОТИ ШАРТНОМАСИ

55 - сонли

Олот шахри

(шартнома тузилган жойи)

2022-йил “08” январ

Олот туман Электр тармоклар корхонаси(кейинги ўринларда “Корхона”(энергия билан таъминловчи ташкилот номи) (деб юритилади) нинг низом асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари F.Набиев бир тарафдан ва Олот туман Давлат архив (энергия таъминоти ташкилоти раҳбарининг Ф.И.Ш.) (Энергия истеъмолчисининг номи)(кейинги ўринларда “Истеъмолчи” деб юритилади) нинг низом асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари Ш.Равшанов иккинчи тарафдан ушбу шартномани қуидагилар хақида туздилар:

I. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1 Ушбу шартнома билан Корхона туташтирилган тармоқ орқали Истеъмолчига электр энергияси (кейинги ўринларда “Энергия” деб юритилади) берилади турниш мажбуриятини, Истеъмолчи эса қабул қилинган Энергия ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

1.2 Уланган қуввати 750кВА ва ундан катта бўлган саноат ва уларга тенглаштирилган Истеъмолчилар олинган Энергиядан ташқари, яна талаб этилган ҳар бир кВт ёки ягона электр энергияси тизимининг юкламали соатларида қатнашувчи ҳақиқий максимал қувват (кейинчалик “Қувват”) учун ҳақ тўлайди.

II. ЭНЕРГИЯ МИҚДОРИ

2.1 Энергия истеъмолининг йиллик шартномавий ҳажми 2000 кВт.с. ни ташкил қиласи.

2.2 Шартнома тузилган кунида етказиб бериладиган Энергиянинг умумий нархи 900000 сўмни, Қувватнинг нархи 450 сўмни (амалда бўлган тариф асосида) ташкил қиласи.*
Шундан, бюджет маблағлари ҳисобидан _____ сўм,
Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан тўққиз юз минг сўм.

2.3 Корхона Истеъмолчига Энергияни (Қувватни) ушбу шартноманинг 1-иловасида кўрсатилган микдорда етказиб беради.*

2.4 Корхона томонидан Истеъмолчига етказиб берилган Энергия (Қувват) микдори Энергияни (Қувватни) ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари бўйича аниқланади (2-илова).

Ҳисобга олиш приборлари, шунингдек Корхона билан Истеъмолчиларнинг ҳисоб-китоб қилишига мўлжалланган Энергия ва Қувватни ҳисобга олишнинг бошқа воситалари Корхонанинг Энергия истеъмолини автоматлаштирилган ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизими билан мос келиши, Истеъмолчининг ҳисобидан сотиб олиниши, давлат қиёсловидан ўтиши ва ўрнатилиши, бундан кейин эса Корхона вакили томонидан рўйхатга олиниши ва тамгаланиши керак.

2.5 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сонли карорининг 1-иловасидаги Табиий монополиялар субъектлари томонидан мажбурий хизмат кўрсатилиши керак бўлган Истеъмолчилар учун Энергия таъминотининг йиллик минимал ҳажми 2000 кВт.с.ни ташкил қиласи.

III. ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

3.1 Етказиб берилган Энергия ва Қувват учун ҳисоб-китоб даври бир ой.

3.2 Корхона ва Истеъмолчи ўртасида ҳисоб-китоб қилиш учун актив ва реактив энергия, шунингдек Қувватнинг ҳисобга олиниши электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегарасида амалга оширилади (3-илова)

* Изоҳ: Бюджет маблағлари бўйича йиллик харажатлар сметаси тегишли молия органларида рўйхатдан ўтказилгунга қадар, вактинчалик харажатлар сметаларида белгиланган маблағлар доирасидаги сумма ва миқдорлар кўрсатилади.